

КУЧЛИ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ДАВРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА - ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ АХАМИЯТИ

С.Дехқонова

Наманган техника университети ўқитувчи

desurayyo1@gmail.com

Ҳозирги глобаллашув даври ўзининг ижобий ёки салбий таъсиридан оилани ҳам четлаб ўтмади. Чунки оила – жамиятнинг асосий муҳим бўғини ҳисобланиб, оила соғлом бўлса — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам бўлса — мамлакат барқарор ривожланиб бораверади.. Жамиятда кечаётган ҳар бир жараён оила масалалари билан боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат оила ҳақида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди, «. Оила фаровонлиги, болаларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мамлакат бойлигининг ва куч – қудратининг негизидир»¹

Шу боис бугунги кунда оилани асраб авайлаш, оилада бола тўғри тарбияланиб, ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш масалалари жуда муҳим бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат оила инсон маънавий камолотида беқиёс ўрин эгаллаб, халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади

Шу билан бирга оила — тарихий фалсафий категория бўлиб, унинг шакл ва функциялари мавжуд ижтимоий муносабатлар характери, шунингдек, жамиятнинг маданий тараққиёти билан боғлиқдир.

Айнан ҳозирги глобаллашув даврида эр-хотинлик иттифоқи, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва

болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо-бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ, жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи бўлмиш оиланинг мустаҳкамлигидир. Бундан ташқари оиланинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уларни юксак маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини мустақил топишига шарт-шароит яратиб бериш. Фарзанд тарбиясида оиладаги маънавий муҳитнинг тўғри йўлга қўйилиши ота-онанинг ўрнаги ва масъулияти ҳар қачонгидан муҳим бўлиб, оилавий бир мунча бўшашиб, ҳар хил оилавий низоларни келиб чиқиши кўпайди. Оилавий низолар психологик ва ижтимоий кескинлашган вазият бўлиб, турли оилавий гуруҳлар (эр-хотин, ота-она, болалар,) ўртасида юзага келади ва оила тузилмасини бузилишига омил бўлиб хизмат қилади. Айрим ҳолларда оилавий низолар жуда катта муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятда носоғлом муҳитга омил яратади. Бу муаммоларни олдини олиш, уларга қарши оилавий тарбия воситаларини, илмий – тажрибавий тизимини шакллантириш жуда муҳим ҳисобланади. Тўғри бизнинг мамлакатимизда бола тарбиясига азалдан катта эътибор билан қаралган ва оилавий тарбия бола туғилган кунидан, балки ҳомилалик давридан бошланган ва унинг тўла мустақил, индивидуал ва ўзига хос бўлгунича узлуксиз давом этган. Бунда кўп жиҳатдан оилада ҳам ота, ҳам онанинг бўлиши, уларнинг тарбия бобида бирдамлик ва тенгликка эришиши, куч-ғайратларини бирлаштириши жуда муҳим бўлиб, соғлом бола тарбияси эмоционал асосга қурилган, чунки тарбиячилар боланинг энг яқин кишилари ҳисобланиб, аммо ҳозирда оилаларда ота ёки онанинг иштирокини йўқлиги, айрим оилаларда ҳам ота ҳам онанинг иштирок этмаслиги жуда катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Чунки соғлом бола тарбияси асосан унинг руҳий олами билан боғлиқ бўлиб, болани ота-онасидан кўра кўпроқ ҳеч ким тушуна олмайди. Болани хушхулқликка мажбурлаш билан эришиб бўлмайди. Оила тарбияси, ота – она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар масаласида. А.Темур ўзининг “Темур Тузук”ларида шундай дейди. «Фарзандларим, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен

билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, (молу мулк ва нақд пул билан) ҳақларини адо этдим қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим».. Ўз фарзандларим, қавму Дарҳақиқат ,Амир Темур ўғитларидан кўриниб турибдики, тарбиячи томонидан бола рағбатлантирилиши; уни «урмаслик», балки шакллантириш лозимлиги; амр этмаслик, балки ўргатиш; талаб қилмаслик, балки сўраш; муҳими бола ундан сўралаётганини ўзи хоҳлаб бажариши, ҳақиқий тарбиячи болани «мажбурламаслиги» балки эркин қўйиши; камситмаслик омиллари алоҳида. Шу билан бирга оилада тарбия жараёни, болани шахс сифатида шакллантириш асосан икки йўл билан амалга оширилади: оила турмуш тарзининг таъсири остида ва ота-оналарнинг махсус тарбиявий таъсири натижасида. Бунда эса яна ота-оналарнинг ўрни муҳим бўлиб, унга эришиш учун улар, аввало, ўзлари тарбияланган бўлиши, ўзлари комиллик сари интилиши, ўзгаларга меҳрибонлик кўрсатишлари зарур бўлади Чунки асл мақсад — комил инсонни вояга етказиш бўлиб, у эса жисмоний, ахлоқий-маънавий, меҳнат ва эстетик тарбиянинг ўзаро уйғунлигига ҳам боғлиқ бўлади. Ота-онадан бошқа яна ижтимоий ходим мутахассислари: психологлар, юристлар, врачлар ҳам муҳим рол уйнайди. Ота-она тарбияси орқали нафақат жамиятнинг бугунги куни, балки унинг истиқболли авлодлар ворисийлиги ҳам таъминланади.

Шу билан бирга оилада соғлом бола тарбиясида одоб-ахлоқ меъёрлари, диний меъёрлар ҳам шаклланган бўлиб, ҳозир мавжуд бўлган ахлоқ меъёрларининг энг қадимийси ва энг муҳими, фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезони ота – она ўртасидаги муносабатдир. Бинобарин, маънавий бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилиб, инсонга бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар – эзгулик, яхшилик, яратувчанлик, фидоийлик, садоқат, мардлик оиладан бошланади. Бинобарин, маънавий бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилиб, инсонга бир умр ҳамроҳ бўладиган

инсоний фазилатлар – эзгулик, яхшилик, яратувчанлик, фидоийлик, садоқат, мардлик оиладан бошланади. Ўзбекона оила ўз анъана ва тарихига биноан фарзандларини миллий фаросат ва нафосат сарчашмаларидан баҳраманд қилиб тарбиялаб келади. Буюк миллат адибларнинг асарларида асосий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, муомала маданиятидаги назокат, меҳр-оқибатлилиқ, меҳмондўстлик, иймонлилиқ, эътиқодлилиқ, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар ўзбекона миллий оилада шаклланади. Оила ёшларни ахлоқли-одобли, ростгўй, меҳнатсевар, ҳалол бўлиб вояга етиши учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси соғлом фарзанднинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин эга. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлиқ чоғидан бошлаб миллий тарбияхлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.. Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин, бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бугун жамиятнинг энг катта бойлигидир”.

Хулоса қилиб айтганда соғлом бола оилада жамиятнинг, миллатнинг қиёфасини кўради ва шу муҳитда унинг табиати, дунёқараши ва миллий ахлоқий қиёфаси шаклланади ҳамда камол топади. Соғлом бола учун оиладаги соғлом ижтимоий-руҳий муҳит - умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Шарқона қадриятларга, ахлоққа асосланган ўзбек оилаларида ўз шахсий фаровонлигидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош-уруғ ва яқин одамларга, қўни-қўшниларга ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйилиши – олий даражадаги қадрият бўлиб, оилани ташқи муҳит билан боғлашга ва мустаҳкамлигини таъминлашга ҳаракат қилинади. Оила интизоми – жамият ва давлат интизомининг сарчашмаси бўлиб, оиласида

интизом туйғуси билан шаклланган соғлом бола давлат ва жамият ишида ҳам шу туйғу соҳиби сифатида хизмат қилади, ҳар бир ишни ўз жойи ва ўз вақтида тартиб асосида бажаради. Бундай тартиб-интизом халқ ва миллатнинг ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.. Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин, бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одоби, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бугун жамиятнинг энг катта бойлигидир”.

Бундай тартиб-интизом халқ ва миллатнинг қариндош-уруғ ва яқин одамларга, кўни-қўшниларга ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйилиши – олий даражадаги қадрият бўлиб, оилани ташқи муҳит билан боғлашга ва мустақамлигини таъминлашга ҳаракат қилинади. Оила интизому – жамият ва давлат интизомининг сарчашмаси бўлиб, оиласида интизом туйғуси билан шаклланган соғлом бола давлат ва жамият ишида ҳам шу туйғу соҳиби сифатида хизмат қилади, ҳар бир ишни ўз жойи ва ўз вақтида тартиб асосида бажаради. Бундай тартиб-интизом халқ ва миллатнинг шарафига айланиб, немис ва японларга хос интизомнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиш сабаби ҳам ана шунда. Абдурауф Фитрат бундай интизомлиликнинг ижтимоий моҳиятини таърифлаб, “Оила ва оила бошқариш тартиблари” асарида шундай деб ёзган: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизому ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади”. Оилада соғлом бола тарбияси тўғри йўлга қўйилиши оилавий тартиб-интизом муаммолари унинг ҳуқуқий вазифаларини ҳам белгилаб, унда энг муҳими, оиланинг ҳар бир аъзосига хос ахлоқ ва шу асосдаги ички интизом маданияти, ўз бурчи ва масъулиятини англаши билан бирга, улар оилавий муҳитда ўз

ўрнини белгилай олиши, оилавий муносабатларни ҳурмат қила билиши, оила иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши, оила манфаатдорлигини таъминлашга интилиши, оила шаънини шарафлаши керак бўлади. Оилада ахлоқ ва маънавият қанчалик бой ва теран бўлса жамият ҳам шу қадар бой бўлади ва муайян халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги ҳам унинг маънавиятида акс этиб туради. билиши, оила иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши, оила манфаатдорлигини таъминлашга интилиши, оила шаънини шарафлаши керак бўлади. Ҳозирги глобаллашув даврида эса оилада соғлом бола тарбиясининг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу, турмушнинг маънавий асоси оилавий ахлоқ тизими бўлиб, мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият куришнинг гарови ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

[1]. Темур тузуклари. – Т.: «Шарқ» 1991. – нашриёти.

[2]. Р.Ишмухамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев. Тарбияда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" Жамғармаси 2010 й.

[3]. Қирғизбоев. М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши.-Т.: Ўзбекистон, 2010.

[4]. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя.-Т.: Академия, 2005.

[5]. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Халқ мероси, 1993.

[6]. Фаровон ҳаётимизнинг "Йўл харитаси". Халқ сўзи газетаси. Т. 2017 йил 6 апрель.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

[1]. Темур тузуклари. – Т.: «Шарқ» 1991. – нашриёти.

[2]. Р.Ишмухамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев. Тарбияда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" Жамғармаси 2010 й.

- [3]. Қирғизбоев. М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши.-Т.: Ўзбекистон, 2010.
- [4]. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя.-Т.: Академия, 2005.
- [5]. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993.
- [6]. Фаровон ҳаётимизнинг “Йўл харитаси”. Халқ сўзи газетаси. Т. 2017 йил 6 апрель.

Immorees